

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 16 (11.077)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кун

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

- **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенг-дош» маданият уйида «Биз ватанпарвар ёшларимиз» мавзусида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури Ёшлар йилига бағишланди.
- **ДАВЛАТ** солиқ қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ташаббуси билан соҳа ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда ўтган йилда бажарилган ишлар сарҳисоб қилинди, жорий йил режалари белгилаб олинди.
- **НОДАВЛАТ** нотижорат ташкилотлари ўртасида уюштирилган «Энг яхши ижтимоий лойиҳалар» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди ва голиблар тақдирланди.
- **РЕСПУБЛИКА** Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамкорлигида мутасадди ташкилотлар, корхоналар вакиллари иштирокида иқтисодиётни эркинлаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.
- **ЎЗБЕКИСТОН** спорт мажмуасида мини-футбол бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақалари ўтказилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН БЕНИЛЮКС САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАЛАРИДА

Яқинда Бельгия ва Голландияда сайёҳликка ҳамда сайёҳат сафарлари ташкил этилишига бағишланган йирик аънавий халқаро тадбир бўлиб ўтди. Унинг доирасида голландиянинг Утрехт шаҳрида очилган «VASANTIEURS-2008» 37 халқаро сайёҳлик кўргазмасида миллий сайёҳлик вазирлиги ва идораларининг, йирик сайёҳлик компаниялари, 80 дан ортиқ мамлакат авиакомпанияларининг вакиллари иштирок этди. МАЗКУР ТАДБИРГА 200 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД КИШИ ТАШРИФ БУЮРДИ.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятлари Голландиядаги йирик сайёҳлик компаниялари — «Dioser», «Passaat verre rizen», «Baobab Reisen», «Euroout Lito Reizen» ва «Asia Travel» томонидан намойиш этилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг бу борадаги салоҳияти тўғрисидаги афтоқлича маълумотлар мамлакатимиз сайёҳлик бозорига фаолият кўрсатаётган 20 та Голландия сайёҳлик операторларининг каталогларидан жой олган. Бўлиб ўтган кўргазма натижалари шунини кўрсатдики, Ўзбекистоннинг сайёҳлик йўналиши нафақат соҳа мутахассисларининг, балки хорижий юртларга сафар қилишни ҳамда хориқ чикаришни режалаштиратган оддий голландияликларнинг ҳам эътиборини тортиди.

«Dioser» компанияси президенти Херман Ван дер Вельденнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда сайёҳлик саноти ривожланиб бораётгани туфайли юртимизга келишни истаётган голландияликлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўлида жойлашган Самарқанд, Бухоро, Хива ва шаҳарлари хориқликларда катта қизиқши уйғотмоқда. Х.Ван дер Вельденнинг айтишича, Ўзбекистон компанияларининг мазкур форумда бевосита иштирок этиши мамлакатимиз сайёҳлик маҳсулотларининг Голландияда илгари сурилишида муҳим омил бўлди.

Бельгиянинг Лувен шаҳрида эса йирик тўроператор — «НОВО Reisen» томонидан ташкил этилган 20-йиллик сайёҳлик ярмаркаси ўтказилди. «Brabant Hall» кўргазмалар уйида бўлиб ўтган ушбу тадбирда дунёнинг 30 мамлакат, жумладан Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига оид маълумотлар намойиш этилди.

Халқимиз тарихи ва маданиятини ўзида ифода этувчи турли нафис санъат буюмлари, хонатлас, сўзана ва миллий хунармандчиликнинг турли маҳсулотлари билан безатилган Ўзбекистон бўлмаси кўргазма меҳмонларида алоҳида қизиқиш уйғотди.

Тадбир чоғида Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчихонаси томонидан тақдимот маросими ўтказилди. Унда меҳмонлар ўзбек халқининг бой тарихий, маданий ва меъморийлик мероси ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильм воситасида мамлакатимизнинг сайёҳлик соҳаси тараққиёти тўғрисида афтоқлича маълумот олишди.

«НОВО Reisen» компанияси президенти Адери Готц «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида 2007 йили Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳларнинг сони 2006 йилга нисбатан икки баробар ошганини алоҳида таъкидлади. У Бенилюкс йўналишида ишлаётган Ўзбекистон сайёҳлик компаниялари билан яқин ҳамкорлик ўрнатилиши ниятида эканини маълум қилди.

«НОВО Reisen» компаниясининг фаол тўроператорларидан бири А.Ваннинг таъкидлашича, Ўзбекистон турли дин, маданият ва миллий вакиллари ўзaro аҳилликда, тинч-тову яшаб келаётган мамлакат сифатида бошқаларга намуна бўла олади.

А.МУҲАММАДЖОНОВ,
«Жаҳон» АА.
Брюссель.

ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ САЎЙ-ХАРАКАТЛАРИ БИЛАН МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁ — ПАХТАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНГАН СИФАТЛИ МАТОЛАРДАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ХАРИДОРГИР КИЙИМ-КЕЧАКЛАР ИЧКИ БОЗОРНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ҲИССА БЎЛМОҚДА.

Тадбиркорлик

ХАРИДОР ТАПАБИГА ЯРАША

Мамлакатимизда кичик ва хусусий бизнес ривожига, тадбиркорлик равнақига қаратилган катта имкониятлардан самарали фойдаланиш асосида ташкил этилган, «Антал-Текстиль» масъулияти чекланган жамияти ҳам шахримизда бир йилдан буюн фаолият кўрсатмоқда. Лекин ишнинг пухта тайёргарлик билан бошланганлиги муваффақиятларга гаров бўлмоқда.

— Хар бир ишни пухта режа, аниқ гоа асосида бошласангиз, кўзланган мақсадга эришилди, — дейди корхона раҳбари тадбиркор Алишер Мирзахўжаев. — Аввало фаолиятимиз барқарорлигини, маҳсулотларимиз сифатини таъминлашда юксак унумли хориқ дастгоҳлари муҳим аҳамият касб этаётган бўлса, ривожланишимизнинг энг муҳим омил — ҳукуматимиз ва Президентимизнинг тадбиркорликка қаратаётган жуда катта

эътиборларидир. Президентимизнинг тадбиркорликка оид Фармон ва Қарорлари, уларда кўзда тутилган афзаллик ва қўлайликлар, ҳуқуқий қўллаб-қувватлашлар, солиқ борасидаги имтиёзлар ўз мақсади йўлида интилан тадбиркорга ҳақиқий маддидир. Биз ўз фаолиятимиз давомида шунини мақсад қилганмизки, маҳаллий хом ашёдан замонавий технологиялар асосида импорт ўрнини босувчи трикотаж маҳсулотлари тайёрлаб, аҳолини таъминлаш, четдан келтирадиган товарларни камайтириб бозорда муносиб ўринга эга бўлишлик доимий диққат-эътиборимизда. Албатта, бунинг учун интиламиз, янги-янги рақобатбардош ва замонавий, талаблар даражасидаги кийим-кечақлар турларини қўлайтирамиз.

Энг асосийси корхона цехларида тайёрланаётган аёллар, эркаклар ва ўсмир-

лар трикотаж кийим-кечақлари 100 фоиз пухтадан тикилмоқда. Уларнинг турлари хусусида тўхталадиган бўлсак, 30-40 йилни ташкил этмоқда. Улар кўриниши, ўралиши билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Тадбиркорлар Янги йилни янги режалар билан бошлашди. Улар келгуси ойдан бошлаб янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқчи. Шунингдек, ёзги кийим-кечақлар моделлари устида ҳам ишланмоқда. Албатта уларни тайёрлашда харидор талаб ва эътиҳи ҳисобга олинади.

Шарифа ИЛЕСОВА
СУРАТЛАРДА: моҳир чевар Дилбар Умаржонова ҳамкасблари ўрнатилган бўлмоқда; корхона цехларидаги иш жараёни.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

ЮРТ ТИНЧЛИГИ — УЛУҒ НЕЪМАТ, БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИДИР. ХАЛҚИМИЗ ТИНЧЛИКНИ ЮКСАК ҚАДРЛАЙДИ, УНИ ЎЗ ОРЗУ-ИНТИЛИШЛАРИ, ЭЗГУ НИЯТЛАРИ РЎБГА ЧИҚИШИНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ, ДЕБ БИЛАДИ. ЗОТАН, ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ҲУҚУҚЛАРИ БЎЛГАН МАМЛАКАТДАГИНА ИЛМ-ФАН, МАДАНИЯТ ЮКСАК ТАРАҚҚИЙ ЭТИШИ, БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ РИВОЖ ТОПИШИ, ЮРТГУЛЛАБ-ЯШНАШИ МУМКИН.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида халқимизга муносиб турмуш шароити яратиш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ўз самараларини бераётган. Тинчлик ва барқарорлиқни сақлаш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида кенг қўллаш, бетимсол ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун юртимиз шаҳар ва қишлоқлари кўчаларида, майдонларида, боғу роғларидан сайр қилиб юрган болажонларни, ёш қариларни, улардаги хотиржамлик ва кўтаринки кайфиятни кўриб кўз қувонади, дил ярайди. Оммавий ахборот воситалари орқали дунёнинг айрим мамлакатларида бўлаётган нотинчликни, уруш-тўполонни, тартибсизликларни кузатар эканмиз, она заминимиздаги тинч ҳаёт, мусаффо осмон билан фархланамиз.

Ёш авлоднинг хар томонлама баркамол, она-Ватанга садоқат, миллий ва умумбашарий кадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фарзанд дунёга келиши билан оилада, ўқув даргоҳларида унинг қалбига зўғуллик гоиларини сингдириш, миллий тафаккур ва соғлом дунёқарашни шакллантиришга киришади. Эзгу мақсад-

ларимизга йўналтирилган бундай ишларнинг яна бир ўзига хос жиҳати — ёш авлодга мукаммал таълим бериш билан бирга Ватан тақдирини, унинг бугун ва келажакдаги учун масъулиятни чуқур ҳис эта-

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

диган, мустақил ва янгиҳа фикрлайдиган авлоднинг тарбиялашдан иборат. Мақтабларимизда таълим олаётган ўқувчи-ёшларнинг ҳулқ-атвори, тарбияси, тафаккурига, билим савиясига ҳавас қилса арзийди.

Таъкидлаш жоизки, ёшларнинг эркин билим олиши учун юрт тинчлиги муҳим аҳамиятга эга. Айрим мамлакатларда нафақат катталар, ҳатто мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам қотиллик, гўёҳандлик, бузуқлик каби ўта оғир жиноятларни содир этиш одати ҳолга айланиб бораётгани ҳам сир эмас. Ўша мамлакатларда демократияни байроқ қилиб кўтаришди, инсон ҳуқуқлари ҳақида оғиз тўлдириб гапиринишди. Ҳўш, ёш авлоднинг инсонийлик қиёфасидан айиришга ҳизмат қиладиган муҳитнинг демократия-

га нечоғли алоқаси борми?

Бундай воқеаларни кузатар эканмиз, юртимиздаги тинчлик ва оқойишталик учун шукроналар келтирамиз. Ушбу неъматларнинг қадрига етишимиз, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашимиз лозимлигини тагин ҳам чуқурроқ англаймиз.

Мамлакатимизга келаятган сайёҳлар, хориқлик меҳмонлар дёғиримизда қарор топанг тинчлик-оқойишталик, тотувлик, дўстлик ва ҳамжихатликка ҳавас қиладилар.

— Мен Ўзбекистонда ўзимни ўз уйимдагидан ҳам хотиржамроқ ҳис қиламан, — дейди франциялик сайёҳ Иван Бровиллауд. — Дунёнинг қўллаб мамлакатларида бўлганман. Баъзи юртларда нафақат тунда, ҳатто кундузи ҳам қўнға қиқшишга қоралиқ бетламайдиган. Мамлакатимиздаги тинч ва оқойишта ҳаётга ҳавас қилса арзийди.

Ҳа, юртимиздаги тинчлик ва оқойишталикни асраб-авайлаш, ёмон куч ва қўзлардан ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг наинки фуқаролик, балки фарзандлик бурчимиздир.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎЗА шарҳловчиси

ромадини ошириш, компанияларнинг стратегик ривожланиши ҳамда инновацияларни бошқариш учун интеллектуал мулк объекларининг ҳуқуқий муҳофазази бўйича стратегик ва тезкор қарорлар қабул қилиш, коммерциализация қилиш масалаларига бағишланган бўлиб, ушбу тадбир интеллектуал мулкни бошқариш билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг бундан кейинги ривожланишида халқаро фаолиятнинг наватбатдаги босқичи бўлиб қолади.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов номига мамлакат Президенти лавозимига қайта сайланганлиги муносабати билан хориқий давлатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарларидан самимий кутловлар келиши давом этмоқда.

● Ёшлар йили муносабати билан Ўзбекистон Давлат консерваториясида халқаро фестиваллар, кўрик-танловлар, санъат анжуманлари голиблари бўлиш ёш истеъодларнинг хайрия концерти ўтказилди. Мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Успенский номидаги Республика махсус мусика академик лицейи ва «Камолот» ЁИХ ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Қашқадарё вилоятида ўтган 2007 йилда 15 та замонавий коллеж бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ёшлар йилида яна 17 та касб-хунар коллежлари қурилиши режалаштирилган. Бюджет маблағлари ҳисобидан вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси буюртмасига асосан жорий йилда бунёд этилиши режалаштирилаётган таълим муассасалари 12045 нафар ўқувчи ўрнига эга бўлади.

● Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган республика ақушер-гинекологларининг «Репродуктив тиббиётнинг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий анжуманида хотин-қизлар репродуктив саломатлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, бу борадаги долзарб масалалар муҳокама этилди.

● Пахтаободлик тадбиркор Зокиржон Йўлчиев шаҳар марказида курант бунёд этди. Энди пахтаободликлар аниқ вақтини курант тепасига ўрнатилган учта соат орқали қилиб туришади. Курант биниси Шарқ аънавалари асосида қизил гишт билан қўтарилди. Унинг ёнида қандолат ва нон маҳсулотлари билан савдо қиладиган ойнаванди замонавий кўришга эга мини-маркет ишга тушди.

● «Сариосий темир-бетон» масъулияти чекланган жамиятида янги маҳсулот — майдончали зинаполяр тайёрлаш йўлга қўйилди. Бу билан темир-бетон ашёлари тури 65 тага етказилди.

● Чуст туманининг чекка қишлоқларидан бири бўлиш Звуканддаги барча хонадонларда табиий газ ёна бошлади. Бунинг учун 15 километрлик янги тармокнинг тортилишида «Чустгаз» унитар корхонаси мутахассислари кенг қўламади ишларни бажаришди. Бу хайри ишга 400 нафардан ортиқ хашарчи ёшлар ҳам ўз ҳиссаларини қўйишди.

ЖАҲОНДА

● Кеча БМТ Хавфсизлик Кенгаши ўзининг фавқулодда мажлисини ўтказди. Араб давлатлари делегациясининг илтимосига биноан ўтказилган мазкур йиғилишда Фаластиннинг Газо секторидаги вазият муҳокама қилинди.

● Шу кунларда бўлиб ўтаётган Европа Кенгаши Парламент ассамблеясининг қишқи сессиясида асосий эътибор Косово мақоми масаласига қаратилган. Сессия 25 январда ўз ишини якунлайди.

● Кеча Украина Президенти Виктор Юшенко парламентга кўриб чиқиш учун депутатлик дахлсизлигини бекор қилишга оид қонун лойиҳасини тақдим этди.

● Грузия Президенти Михаил Саакашвили Ладо Гургенидзе номзодини мамлакат бош вазир лавозимига тақдим этиб, унга ҳукуматнинг янгиланган таркибини тузишни топширди.

● Сербия «Жанубий оқим» газ ўтказгичи қурилишида қатнашишга розилик берди.

● Мексикада об-хаво нуқулаллиги сабабли саккизта порт вақтинчалик ёпиб қўйилди. Шундан тўрттаси орқали катта микдорда нефть экспорт қилинади. Бундан ташқари, «Пемексфетгаз» давлат компанияси об-хавонинг кескин совуб кетганлиги туфайли газ экспорти ҳам тўхтатилганини маълум қилди.

● Кеча Россиянинг Назран шаҳрида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳаракатланаётган автомобил ўққа тутилган. Отишлардан чоғида жабрланганлар бор.

● Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи маъмурияти антик даврга тааллуқли қимматбаҳо тарихий ашёларни ўз Ватани — Италия ҳукуматида қайтаришга қарор қилди.

● Кечадан бошлаб Пекинда 2008 йилги ёзги Олимпиада хавфсизлигини таъминлаш чоғи-тадбирларини амалга ошириш ишлари бошланди.

● Москвадаги политехника музейида ҳаваскорлар томонидан тайёрланган роботлар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

● АҚШда учувчисиз учадиган аппаратлар учун кичик реактив мотор яратилди. Нанотехнология асосида ишланган мазкур моторнинг катталиги сигаретага тенг келади. Бу эса уни 15 сантиметргача бўлган ўзи учадиган аппаратларга ўрнатиш учун жуда қулай.

● Женева университет клиникаси вирусологларининг таъкидлашича, грипп вируси пул банкнотлари орқали ҳам юқиши мумкин экан. Вирус пулга ўтгандан сўнг 17 кун мобайнида пул билан бирга юрар экан. Ушбу тадқиқот Швейцария банкларининг бирининг ташаббуси билан амалга оширилди. Айтиш керакки, грипп вируси Целсий бўйича ўртача +10 градусда яшаши мумкин. Демак, унинг юқиш-юқмаслиги об-хавога ҳам боғлиқ экан.

Янги лойиҳалар

МУСТАҲКАМ РИВОЖЛАНИШ ТАЛАБЛАРИГА МОС

«ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИНИ ЗАМОНАВИЙЛАШТИРИШ: ҚУВВАТИ 370 МВТ БЎЛГАН БУГ-ГАЗ ҚУРИЛМАСИНИНГ ҚУРИЛИШИ» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ИССИҚЛИКЭЛЕКТРЛОЙИҲА» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИДА ЎТКАЗИЛГАН АНЖУМАНДА «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ МУТАХАССИСЛАРИ, «ЎЗГИДРОМЕТ» ВАКИЛЛАРИ, «ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ» УНИТАР КОРХОНАСИ РАҲБАРЛАРИ, ЭКОЛОГИК ТАШКИЛОТЛАР ХИЗМАТЧИЛАРИ, ШУНИНГДЕК, ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ЯҚИНИДА ЖОЙЛАШГАН МАҲАЛЛАЛАРИНИНГ ФАОЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР.

Тадбирда сўзга чиққанлар ушбу лойиҳанинг амалга оширилишидан кўзланган асосий мақсад, унинг аҳамияти, самарадорлиги ҳусусида алоҳида тўхталиб ўтдилар.

Ушбу лойиҳа Қўрай туманидаги, яъни пойтахтимиз марказидан 15 километр узоқликда жойлашган Тошкент иссиқлик электр станциясида амалга оширилади. Чунки ҳозирги вақтда 1860 МВт қувватига эга бўлган ушбу станцияда ёқилғини электр энергиясига айлантириш самарадорлиги камайганлиги ва асосий электр ишлаб чиқарувчи қурилманинг меъёрий хизмат муддати ўтиб бориши сабабли ёқилғининг со-

лиштирма сарфи ортиб бориши кузатиламоқда. Ҳар бирининг қуввати 155 МВт бўлган ишлаб турган 12 та конденсацион энергоблокларнинг ишлатиш муддати 36-44 йилни ташкил этади. Мавжуд 12 та энергоблокдаги ёқилғи ёнишидан ҳосил бўлган чиқиндиларни чиқариб ташлаш баландлиги 120 метр бўлган учта мўридан амалга оширилади.

Юқоридаги лойиҳадан кўзда тутилган мақсад ҳусусида тўхталидиган бўлса, улар минтақа ва пойтахтимиз истеъмолчиларини электр энергияси билан таъминлашнинг ишончлилигини ошириш, электр энергия-

сига бўлган талабнинг ортиб боришини қониқтириш, ёқилғи сарфлашининг солиштирма кўрсаткичларини камайтириш, ёқилғи ёқилишнинг илгор технологияларини қўллаш йўли билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишини ва зарарли газлар чиқарилишини камайтиришдан иборат.

Мазкур лойиҳада табиий газда ишловчи 370 МВтли буг-газ қурилмасини бунёд этиш кўзда тутилиб, ушбу қурилма 250 МВтли газ турбинаси, иссиқликни рекуперациялаш буг генератори, яъни утиллаштирувчи қозон, 120 МВтли буг турбинаси, ёқилғи узатиш тизими, сув етказиб бериш ва чиқариб ташлаш тизими, назорат қилиш тизими ва бошқа ёрдамчи ускуналардан иборат.

Ёқилғини ёқилишнинг илгор технологияси шундан иборатки, иссиқлик ташувчи сифатида газ турбина қурилмасидан чиқувчи газ қозонга келиб, у ерда ўз иссиқлигини буг турбинасига юбориладиган бугга ўтадиган буг-газ цикли технологиясини қўллаш натижасида қурилманинг ФИКИ ишлатилаётган энергоблоклар ФИКИдан юқори бўлиш-лигига эришилади. Шунингдек, буг-газ

қурилмаси газ турбинасининг ёниш камераси ёқилғининг паст ҳароратда бир жинсли ёнишига имкон берувчи конструкцияни ҳусусияти оқибатида атмосферага зарарли моддалар кам чиқарилади.

— Ушбу лойиҳанинг ташаббускори «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси бўлиб, — дейди «Тошкент ИЭС» унитар корхонаси директори ўринбосари Со-бир Усмонов, — у республика Вазирлар Маҳкамасининг 157-қарори билан 2002 йил 13 майда тасдиқланган. Лойиҳани молия-лаштириш Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки, Ўзбекистон ривожланиш ва қайта қуриш жамғармаси ва «Ўзбекэнерго» ДАК маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Бугунги кунда лойиҳани таъбиқ этиш учун бош пудратчини аниқлаш мақсадида Халқаро тендер савдолари ўтказилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, қуввати 370 МВт бўлган буг-газ қурилмасининг бунёд этилиши ер устки ва ер ости сувларининг, тулроқ ва ўсимликларнинг, ифлосланишига олиб келмайди ва Тошкент иссиқлик электр станцияси яқинида яшовчи аҳолига акустик таъсир кўрсатмайди. Мазкур лойиҳанинг 1997 йилда қабул қилинган Киото баённомасининг соф ривожланиш механизми доирасида амалга оширилувчи лойиҳаларга қўйиладиган му-стаҳкам ривожланиш талабларига мос келиши анжуман якунида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шарифа ИЛЁСОВА

Кўргазмалар

РАНГТАСВИРЛАРДА ЮРТИМИЗ МАНЗАРАЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТОРЛАР УЮШМАСИДА ТАНИҚЛИ МЕЪМОР ВАЛЕРИЙ КУЗНЕЦОВ БАДИЙ ИЖОД НАМУНАЛАРИНИНГ ШАХСИЙ КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

Мухтор Ашрафий номидаги уй-музей ҳамда Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур кўргазма иқтидорли архитектор ва мўйкалам соҳиби 30 йиллик бадиий ижодининг ўзига хос сарҳисоби вази-фасини ўтамоқда, десак муболаға қилмаган бўламиз.

В.Кузнецов 1959 йили Тошкент шаҳрида туғилган, Тошкент поли-техника институти (ҳозирги Тош-кент Давлат техника университе-ти)га ўқишга киргунга қадар лой-иҳалаш институтида чизмачилик билан шуғулланиб, маҳоратини

ошириб боради.

Олий ўқув юртида таълим ол-ган йиллари аъжойиб педагоглар: архитектор соҳаси бўйича про-фессор Х.Убайдуллаев, шахарсо-злик кафедраси мудири В.Архан-гельский, архитектура кафедраси ўқитувчилари В.Нильсон, В.Мака-нов, санъат тарихи ва чизма гео-метрия кафедрасидан Э.Слоним, В.Лисов ва бошқа кўплаб ўқиту-вчилардан олган билимларини му-стаҳкамлаб борди.

1983 йилда олий ўқув юрти-ни аяло баҳолаб таъомлағач, илх-омбахш гоёлар билан ўз севган

соҳасида самарали фаолиятини бошлади. Таъкидлаш жоизки, унинг лойиҳалари асосида ҳаёт юзини кўрган кўплаб иншоотлар бугунги кунда шахримиз кўр-курга кўрк қўшиб турибди.

Асосий ишдан бўш вақтларида кўпга мўйкалам олиб ранг-баранг суратлар чизди. Ўз асарларида у табиат манзаралари ва архитек-тура тарихининг ўзига ҳосликлари тасвирлари орқали ўз йўналиши ва бадиий услубини топишга ҳара-кат қилди. Унинг суратларини то-моша қилган мухлисида мамлака-тимиз тарихи, кишлоқ ҳаёти ва то-ғ-

лар тасвири гўзалликларини бе-восита хис этиш туйғуларини пайдо бўлади. Ўзбекистон Бадиий ака-демияси мутахассисларининг фик-рича, В. Кузнецовнинг рангтаъсир-лари юқори профессионал дара-жада ишланган.

Кўргазмадан ижодкорнинг 92 та бадиий ижод маҳсули ўрин олган бўлиб, улар орасида Ўзбекистон табиатининг бетакрор манзарала-ри, тарихий архитектура ёдгор-ликлари ҳусусида ҳикоя қилувчи шаҳар этиодлари, портретлар, на-турмортлар мавжуд.

Кўргазмага ташриф буюрган то-

мошабинларда мусавирнинг «Фа-рғона. Дарё», «Кўёш», «Қиш», «Чор-воқ.Қирғоқ», «Тошлар водийси», «Оқтош. Тоғ тағидига уйча», «Тах-та ўриндиқдаги автопортрет», «Ан-хор», «Тошкент денгизи», «Қиш-лоқда баҳор», «Бухоро.Эски ша-ҳар», «Қадимги ариқ» каби карти-налар айниқса катта таассурот қол-диришди.

(Ўз Мухбиримиз) **СУРАТЛАРДА: В.Кузнецов-нинг шахсий кўргазмасидан лавҳалар.**

Алексей Попов олган сурат-лар

дирди. Биров:

— Халоллик мартабани безайди, деса, яна биров:

— Халол одам ҳеч қачон бировнинг ҳақиқа ҳиёнат қилмайди, — деди.

Давра тўрида ўтирган оқсоқол Солиҳ ҳожи

ота:

— Келинлар, яхшиси халоллик ҳақида бир ривоят келтирай, деганида ҳаммамиз уни қувватлаб «Эшитамиз» дедик.

— Бир кишининг бир нечта сигири бор

эди,—ҳикоясини бошлади отахон.— Сутига

сув қўшиб бойиди, уларнинг сонини кўпай-

тирди. Бир кун сел келиб, сигирларнинг

ҳаммасини оқизиб кетди. Ўша кишининг

норасида боласи шундай деди: «Эй падар,

сутга қўшган пароканда сувлар йиғилиб

келиб, сигирларимизни оқизиб кетди».

Норасида фар-

зандининг бу га-

пидан ота ўйла-

ниб қолди. Қил-

ган ишидан ран-

жида. Бундан

кейин мутлақо

қинғир ишга қў-

лди.

урмасликка, ҳамма вақт халоллик билан

толган нонини болаларига едиришга аҳд

қилди.

КАМТАРГА КАМОЛ

Халқимизда «Камтарга камол, манманга завол» деган бир ҳикмат бор. Билиб, синовдан ўтказиб айтилган гап. Шундайлар борки, яхши кунларида дарҳол ўтмишини унутди. Манманликка берилади, ҳаётим ҳақида энди шундай кечади деб ўйлади. У банди оҳиз қўйи тери остида бир неча бор семирди, озгани каби инсон ҳаётида ҳам турли тасодифлар рўй беришини, бугунги кун баъзан эртага тескарига айланиб кетишини ҳаёлига келтирмайди. Шундай лавғига хос бўлган бир ҳикоятни эслаб қўйсак фойдадан ҳоли бўлмас.

Бир доғишманд ўғлига шундай деган экан:

— Дунё кезиб, яхши-ёмонни кўриб, илм-фанларни билиб олганда ҳам камтар инсон «Мен илмда зўрман», — деб керила-майди, мактанчоқлик қилмайди. Дононинг зийнати камтарлик, нодоннинг иллати — манманлик. Зағизғон ҳар қанча баланд учгани билан лочин бўлмайди. Зеро, олтин коса сингани билан баҳоси камаймайди.

Сойда тик ўсган қамш олтин бугдойзор-га қараб гап отди:

— Ҳой, бошоқ, ўзинг тилладек ярқирок-сану, нега энди бош эгиб турасан?

— Хизматдаман, — деди олтин бошоқ,— бошимда эл ризки бор. Ҳаммасини кузда кўраимиз.

Куз келиб одамлар бошоқдан дон тайёр-лаб кўзга суртдилар, кеккайган қамишдан бўйра ясадилар.

Қиссадан ҳисса ҳар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола.

ТАЖРИБАЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Симпозиум кун тарти-бидан Ўзбекистондаги инновацион фаолият; их-тиролар ва тадқиқот на-тижаларини таъбиқ этиш ва коммерциализация қилиш; замонавий жами-ятда кадрлар ресурслари ва интеллектуал мулк ҳуқуқини ривожлантириш; интеллектуал мулкнинг иқтисодий ривожланиш-даги ўрни ва унинг жам-ият меҳнат салоҳиятига таъсири; интеллектуал мулк ҳуқуқларини бошқа-риш —асосий принцип-лар, вазифалар, мақсад-лар; интеллектуал мулк ҳуқуқларини бозор иқти-содиётига ўтиш даврида бўлган мамлакатларда ишлатиш сингари маса-лалар муҳокамаси ўрин олган.

Тадбирнинг биринчи ку-нида сўзга чиққан маъ-рузачилар ана шу маса-лалар юзасидан батаф-сил тўхталдилар, ишти-роқчилар ҳар бир мавзу бўйича ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Долзарб саволларига ке-ракли жавобларни олди-лар. Албатта, бу уларга интеллектуал мулкни бошқаришга янада сама-ралироқ асос яратиш мақсадида миллий, мин-тақавий ва халқаро да-ражада ушбу муҳим соҳа бўйича ишни давом этти-риш имкониятини ярата-ди.

Бугун ҳам давом эта-ётган симпозиум ўз иши-ни 24 январда якунлай-ди.

(Ўз мухбиримиз)

БУ ЙЎЛДА ХАТО ҚИЛМА

Ҳожимурод ака билан шифохонада таниш-дик. Ўшанда мен ҳам қон босими касали билан шу ерда даволанаётган эдим. Палатадошимга инсулът диагнозини қўйишди. Чиндан ҳам унинг бир қўл билан оёғи фалаж бўлиб ишламай қолган эди. Ҳожимурод ака икки-уч кун этди. Ҳеч қим хабар олмади. Тиббий ҳамширалар, қолаверса мен унинг ейиш-ичишидан хабар-дор бўлиб турдик. Шундай дамларда у билан бироз ҳамсуҳбат бўлсакда лекин отахонни чар-чатиб қўймаслик учун уни кўпда гапга солавер-масдим.

— Яхшиям бахтимга сиз билан бир палатага тушиб қолдик. Агар сиз бўлмасангиз биламдим ҳолим не кечарди, — деб қолди Ҳожимурод ака менга миннат-дорчилик билдириб.

— Шифохонага тушиб қолганингиз-дан ўғил-қизлар ха-бардорми ишқили?

— сўрадим ундан ўсмоқчилаб.

— Аёлим хабардор. Ўғил-қизлар эса биз би-лан яшашмайди.

— Ахир аёлингиз орқали бу ерда ётганин-гизни болаларингиз билган бўлса керак.

— Йўқ, у хабар қилмайди. Аёлим уларга бегона.

— Тўшунмадим.

— Эй биродар, бунинг тарихи узун. Бундан йигирма йиллар муқаддам бир аёлингиз доғига ўчиб биринчи хотинини ва болаларини ташлаб кетиб қолганман. Ёшлик қилиб десам, ёш эмасдим. Ёшим қирқдан ошиб қирқ бешни қора-лаб қолгандим. Нима бўлганини ўзим ҳам бил-майман. У билан гоийбона танишидигу, орадан кўп ўтмай, тақдир илларини бирга боғладик. Ўшанда тилиш-тутишини яхши эди. Кўз очиб кўрган аёлим билан расман ажралашганим бўлсак-да, уй-жойни болаларга қолдириб ўзим икки хонали уй харид қилиб, янги тоғдан аёлим билан шу ерда яшай бошладик. Қариндош-уруғ-лар ўртага тушишди. Қилмишимдан ҳафа бўлишди. Фарзандларим келиб-кеттишди. «Ота, уйга қайтинг», дейишди. Мен кўнмадим. Бола-ларимнинг онаси бир оғиз ҳам индамади. Айт-ган гапи «Ўшани ёқтирган бўлсангиз, тоғганин-гиз билан яшайверинг» деди ҳолос. Йиллар ўтиб ҳаммаси изга тушиб кетди. У ёқда оилам, бу томонда биз яшайвердик.

Қачонки, пенсияси ёшига етиб, қарилк таъти-лига чиққанимдан сўнг ҳаммаси аён бўлди. Ик-кинчи аёлимнинг мақсади бошқа экан. Аслида унга мен эмас, бойлигим керак экан. Янглиш-ганимни шунда билдим. Тишимни тишимга қўйдим. Ҳар қалай ўзим пиширган ош, айлан-дих ҳам, ўргилиб ҳам ўзим ичишим керак дедим. Лекин йиллар ўтган сари муросамиз тўғри кел-май, орамиздаги зиддият кучайиб бораверди. Биз яшаётган икки хонали уйни ўшанда катта ўғлимнинг номига расмийлаштирган эдим. Шу-нинг жанжали бошланди. «Эрта-индин ўлиб кет-

санг, мен кўчада қоламани, уйни менинг но-мига ўтказиб берасан» деб тўполон қилди. «Сенинг номингда машина бор, дала ҳовлимиз сенинг номингда. Яна нима керак сенга», де-сам ҳам қўнмади. Ўн йиллар бўлибдики, ҳамон шу уй жанжали давом этиб келади. Ке, ўтказиб берсам бериб қутула қолай ҳам дедим. Лекин, келинг яхшиси бунисини айтмай қўя қолай. Бу шармандагарчиликни айтишга тил бормаиди. Кейин билсам уйни ўзига ўтказиб олиб, мени хайдаб чиқармоқчи экан. Бу ерга тушиб қоли-шимга ҳам шу уй жанжали сабаб бўлди. Чарча-дим, сизни ҳам чарчатдим. Келинг, энди бироз дам ола қолайлик,— дея Ҳожимурод ака ҳикоя-сини тугатди.

Тўшдан кейин унга:

— Ака, балки фарзандларингизга кўнғироқ қилармиз. Минг қилса ҳам болаларингиз. Улар

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

келиб ҳол-аҳволингиздан хабар олишар. Ахир қачонгача шундай ётасиз, дедим.

Унинг илтимоси билан олдин иккинчи аёли-га кўнғироқ қилдим. «Эрингизнинг ахволи оғир келиб кетинг», дедим. Гушақдан «Менинг ун-дай эрим йўқ», деган зардалар овоз эшитилди. Бу совуқ гапни Ҳожимурод акага айтидим. «Нима деди», деб сўровди. «Эрта-перта борар-ман деди», деб қўя қолдим.

Хуллас, менинг зўрловим билан унинг би-ринчи хотинига, болаларига кўнғироқ қилдик. Шу кун кечқурун бир-биридан қиройли икки ўғил отани излаб келишди. Ҳеч нарса бўлма-гандек у билан кучоқлашиб қўришишди. Нега бизга хабар қилмадингиз дейишди. Шу кундан бошлаб ўғил-қизлар бир кундан навбатга-нав-бат Ҳожимурод аканинг ёнида қоладиган бўлишди. Охири кун бириинчи хотини Ирода опа келди. Гина-қудурат қилиб ўтирмади. Ҳожи-мурод ака билан салолашди, қўришди. Ўғил-лар ердаимида унинг кийим-бошларини янги-лади. Фарзандлар «Эртага уйга олиб кетамиз. Қолган муолажаларни уйда олсиз», дейишди. Эртасига Ҳожимурод ака билан хайрлашдик.

— Худого шукр. Болаларим инсофли экан. Мени кечиринди. Энди ўз уйимга, ҳақиқий уй-имга қайтаман, — деди Ҳожимурод ака хур-санд кўз ёши тўкиб.

Орадан икки-уч соат ўтар-ўтмас 50-55 ёшлар чамасидаги ўзига ортикач оро берган аёл ки-риб келди. Ҳожимурод акани сўраб-суриштир-ди. Мен бор воқеани унга айтиб бердим.

— Вой, қандай яхши-я, ҳар қалай сассиқ чо-дан қутулибман, — деди у жилмайиб.

Аёл хонани тарк этди. У қишқил билан ди-қинафас хонага енгил шамол кирди.

ҲАЛОЛЛИК

Сўхбатимиз мавзуи ҳалоллик ҳақида бо-рарди. Ҳар ким бу ҳусусда ўз фикрини бил-

Иқтисодиёт

ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВATЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАётганиги КИЧИК БИЗНЕС ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА ЯҚҚОЛ АКС ЭТМОҚДА. АЙНИҚСА, ДОИМИЙ БАНД Бўлмаган ФУҚАРОЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ҲИССАЛАРИ САЛМОҚЛИ Бўлмоқда.

Пойтахтимизда ўтган йили фаолиятини бошла-ган «BARAKA» хусусий корхонаси жамоаси ҳам йилни яхши кўрсаткичлар билан якунлади. Маз-кур корхонанинг ишчан раҳбари Адолат Маъдие-ва ҳам юртимизда иқтисодиётимиз соҳаси риво-жига қаратилаётган эътибордан, берилган ҳар бир имкониятдан ўрнида фойдаланган ҳолда меҳнат қилиб, ҳозирда 10 нафар фуқарони янги иш жой-лари билан таъминлади.

Жамоа аҳлининг тайёрлаётган сифатли нон ва қандолат маҳсулотлари хариддорлиги таъмин-ланмоқда. Ҳозирда 171 хил турдаги хуштам бу-лочка, пирожний, вафли, печенье ҳамда пряник-лар ишлаб чиқаришда факат маҳаллий хом ашё-дан фойдаланилади. Цехларда ўрнатилган ма-ҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг унумли новвой-хоналари, дастгоҳ ва ускуналар қандолатпазлар-га ҳақиқий маддакор бўлмоқда.

Жорий йилда ҳам хусусий корхона тадбиркор-лари харидор хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаётган маҳсулот турларини кўпайтиришни ўз олдларига мақсад қилишган ҳамда ширин-ликлар сифатига асосий эътибор қаратган ҳолда меҳнат қилишмоқда.

ЯНГИЛИККА ЎЧ ҲУНАРМАНД

ИСТИҚОЛИМИЗ ТУФАЙЛИ ЗАРГАРЛИК, КУЛОЛЧИЛИК, ЗАРДЎЗЛИК, НАҚҚОШЛИК, ЛОК МИНИАТЮРАСИ, ГИЛАМДЎЗЛИК, ЁҒОЧ ВА ГАНЧ ЎЙМАКОРЛИГИ КАБИ КўПЛАБ ГўЗАЛ ҲУНАРМАНДЧИЛИК йўналишларини Астойдил ўРГАНАётган КўПЛАБ Ёшлар АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ НУРЛИ йўЛЛАРИНИ АЛОҲИДА МЕҲР-МУҲАББАТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРАётганлари ЭЪТИБОРГА ЛОЙИҚ.

Бир-бирини тақдорламайдиган, замонавийлик билан аънаванавийлик узаро уйғунлашган кулолчи-лик маҳсулотлари — кўза, гўлтувак, устунларга ишланган антиқа безаклар, совғабоп манзарали-лаган, ликобча каби жуда кўп турдаги гўзал, эко-логик тоза сопол буюмлар ноёб санъат асари даражасига етказилганлигини кўриб, кўзлар қув-найди, уста-ҳунарманд Воҳиджон Мамажоновнинг кулолчилик ҳунарини миридан-сиригача эғалла-ганига амин бўласиз.

Отаси — Маҳмуд ота Мамажоновнинг касбини давом эттираётган уста жуда ёшлигидан кулол-чиликни жон-дилидан севиб, машаққатларидан сира чўнмай, кунт, сабр-тоқат билан ижодий меҳ-нат қилиб келмоқда. Эътиборли томони, ҳунар-манд уста доимий изланишда, у янгиликка ўч, ташаббускор бўлиши билан бирга, тарихимизни яхши билади, унга меҳр билан ёндошади. Шу-нингдек, Воҳиджон уста-шоғирд йўналишида кўплаб иқтидорли, қизиқувчан ёшларга гўзал ҳуна-рининг сир-асрорларини эринали ургатишмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ЁШЛАР КАМОЛОТИ йўлида

“КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИДА “ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РОЛИ” МАВЗУИДА АНЖУМАН Бўлиб ўтди.

Унда ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхо-наси, Болалар жамғармаси, «Соғ



ХАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

АЁЛ—ДУНЁДАГИ ЖАМИКИ УЛУҒ НЕЪМАТЛАР ИЛА СУҒОРИЛГАН ҚАЛБ СОҲИБАСИ. УНДАГИ ПОК ҲИС-ТҮЙҒУЛАР, БЕҒУБОР НИЯТЛАР ЭСА ИЧКИ ДУНЁСИНИНГ НАҚАДАР ГЎЗАЛ ВА БЕТАҚРОР ЭКАНЛИГИДАН ДАЛОЛАТДИР. МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА, УНИНГ ХАЛҚАРО МИҚСДАГИ НУФУЗИНИНГ ОШИШИДА АЛБАТТА АЁЛЛАРИМИЗНИНГ ЎРНИ САЛМОҚЛИ, ДЕСАК АДАШМАЙМИЗ. УЛАР ОЛИМАМИ, ДАВЛАТ АРБОБИМИ, СИЁСАТЧИ Ё ШОИРА, ТАДБИРКОР, ЎҚИТУВЧИ Ё ИШБИЛАРМОН, ШИҒОКОР Ё МУРАББИЙМИ, ҲАР ЖАБҲАДА ҲОРМАЙ-ТОЛМАЙ ФАОЛ МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДАЛАР.

Нишондорларимиз

ЭЛ КОРИГА ЯРАШ — КАТТА БАХТ

Жумладан, мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органи бўлган маҳаллаларда хотин-қизларнинг фаоллиги, ташаббускорлиги янада ортганлиги ҳаммаимизга яхши маълум. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўлаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизлар учун муҳим дастуруламал бўлди. Ушбу Фармонга асосан маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар тайинланиб, қизгин фаолият бошлади. Со бир Раҳимов туманидаги «Намуна» маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида фаолиятини бошлаган Муфаррах Содикова ҳам ўзининг фаоллиги, жонқурлиги, ташаббускорлиги билан эл ҳурмати қозонди. Утган йиллар давомида Муфаррах опа ўзининг бор

билим ва маҳоратини, ташаббускорлигини намойён этиб, маҳалла аҳли орасида эътибор топди. Президентимиз Фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида режа асосида самарали ишларни амалга оширмоқда. Айниқса оила, оналар ва болаларни ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳимоялаш, уларни соғломлаштириш борасида, шунингдек, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасида жинсга алоқасизликни олдини олиш, шисизларни иш билан таъминлаш, ажримларнинг олдини олиш, оилаларни мустаҳкамлаш унинг бош мақсадиридир. Ойлада соғлом авлодни шакллантириш, тиббий ва ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш борасида турли хил учрашулар, давра суҳбатлари ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Шу билан бирга

маҳаллада тўй-ҳашамлар, маърака-маросимларни ихчам ўтказиш, умуминсоний қадриятларни тиклаш ва ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшмоқда. Унинг ташаббуси билан маҳалладаги меҳнат банд бўлмаган хотин-қизлар касаначиликка жалб этилиб, иш билан таъминланди. Маҳаллада соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш борасида «Мақтаб, оила, маҳалла» ҳамкорлиги асосида тумандаги 119-мақтаб билан биргаликда олиб бораётган ишлари ҳам диққатга сазовордир. Шунинг билан муфараҳа опа ёшларнинг келажакда илми, қомил инсон бўлиб вояга етишлари учун маҳаллада «Қизлар кенгаши», рус ва инглиз тилларини ўрганиш, тўқувчилик тўғрисидаги таълим қилган.

Меҳнат қилган — элда азиз, дейдилар. Ўз номига муносиб «Намуна» маҳалласи ва унинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муфараҳа Содикованинг маҳаллада олиб бораётган самарали меҳнатлари бошқаларга намуна бўлиб келмоқда. У 2006 йилда халқаро Оила қуни муносабати билан ўтказилган «Энг намуна» маҳалла маслаҳатчиси» кўрик-танловида олий ўринни эгаллаб, Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг Фахрий ёрлиғи билан ва яна кўлаб Фахрий ёрлиқлар, дипломлар билан, шунингдек утган йили Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасида давлатимизнинг юксак мукофоти «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

— Маҳалламизнинг тинчлиги, оёсайишалиги, маҳалладошларимизнинг саломатлиги, оилалар тўтултиги, меҳр-оқибатлиги, баҳамжиятлиги мен учун энг муҳим масала,— дейди Муфараҳа опа.— Маҳалладошларим менга ишонч билдириб, шу вазифага сайлашган экан, уларнинг ишончини оқлашга доимо ҳаракат қиламан, одамларнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини



ҳал этишни ўзининг бурчим деб биламан ва бу борада ўз билимим, маҳоратим ва тажрибамни ишга солишга интиланман. Маҳалламиз ахлининг тинч-фаровон яшаши, оилалар мустаҳкамлиги, ёшларимизнинг баркамол ва соғлом бўлиб вояга етишлари, илм ва касб-ҳунар эгаллашлари йўлида қўлимдан келганча ҳаракат қиламан. Мана жорий йили Президентимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинди. Бундан жуда хурсандимиз. Эндиликда яна ҳам ёшларга кўпроқ эътибор қаратиш, улар билан ишлаш, муаммоларини ўрганиш ва ҳал қилиш, келажакда соғлом ва баркамол эъти тарбиялаш муҳим вазифаларимиздандир.

Ҳақиқатан ҳам Муфараҳа опанинг чин дилдан айтган бу гаплари опанинг ўз ишига, касбига садоқати, меҳр-мухаббатни юқори еканлигидан далолат бериб турибди. Опа оилада бахтли бека, турмуш ўртоғи билан уч қизларини вояга етказиб, ўқитишди, иккинсини турмушга беришди. Хозирда турт нафар набиранинг буви. Касбига садоқат билан меҳнат қилган инсонни эл улуғлайди, тинимсиз меҳнатлари албатта ўз мевасини беради. Зеро инсон учун эл қорига яраш, кишилар дардида малҳам бўлиш, дуосини олишдан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: «Намуна» маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муфараҳа Содикова.



Маҳаллаларда

МИЛЛИЙЛИК АКС ЭТАР ҚИЗЛАР ЭГНИДА

МИЛЛИЙ АНЪНАЛАРИМИЗ, УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ, ҚАДРИЯТ ВА КЎХНА ТАРИХИМИЗ НЕЧА МИНГ ЙИЛДИРКИ, БОР БЎЙ-БАСТИНИ ДУНЁГА КЎЗ-КЎЗ ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА. АЙНИҚСА ЎЗБЕКЛИГИМИЗНИ ДОИМО АКС ЭТИБ ТУРУВЧИ ДЎППИ-Ю, ЧОПОНЛАР, ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗ ЭГНИЛАРИДАГИ МИНГ ТУРДА ЖИЛОЛАНУВЧИ АТЛАСЛАР ДОВРУҒИ БУТУН ОЛАМГА МАШҲУР.

Яқинда Учтепа туманидаги «Кўркамобод» маҳалласи гузарига «Миллийлик акс этар хонатларда» мавзuida тадбир бўлиб ўтди. Унда «Нашириёт», «Тақачи», Раҳимовбоев кўчаларида истиқомат қилувчи ёш қизлар, маҳалла келинлари ва нуруний онахонлар иштирок этидилар.

— Мазкур тадбирни ташкил қилишимиздан мақсад,— дейди маҳалла оқсоқоли Саидкарим Соатовдоев,— кейинги пайтларда айниқса ўсмир қизларимиз чет эл модасига тақлид қилиб кийинадиган, сочларини ҳам турли хил рангларга бўяб юрадиган бўлиб кетишган. Ахир ўзбек хотин-қизлари азал-азалдан ўзбек атласлари, маргилон дўппилари билан машхуру. Майли кийинишин, замонавий юришин ҳеч қандай қаршичилигимиз йўқ, аммо ҳаддан ташқари модонарастлик қизларимизга нанки маънавий томондан, балки соғлиқ жиҳатдан ҳам салбий таъсир қилади деган фикрдан. Ахир улар эртага бир оиланинг саришта бекаси, фарзандларининг меҳрибон онахониси, жа-

миятнинг таянч нуқтаси бўлиб фаолият олиб борадилар. Истадким бизнинг қизларимиз доимо соғлом, дуркун, маънавияти юксак, қадри баланд бўлиб юрсин. Шунинг учун ҳам биз маҳалла хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ушбу тадбирни ташкиллаштирдик. Маҳалламизда 14 та кўча мавжуд. Эндиликда ҳар бир кўчада шу мавзудаги турли хил тадбирларни ўтказишни режалаштириб олдик. Бугунги тадбирга кўчаларнинг нуруний онахонларини ҳам тақлиф қилганмиз. Улар ёшларга ўзларининг ҳаёт тажрибалари, турмуш сабоқлари, одо-ахлоқ ва кийиниш маданиятлари ва урф-одатлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Шунингдек, тадбир давомида маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси Шохид Абдуллаева маҳалланинг энг фаол қизларига шоира Турсуноӣ Содикованинг китобларини совға қилди. Қизлар ижросида янграган куй-қўшиқлар ва дилбар рақслар йиғилганларни янада хушуд этди.

Гулчехра САТТОР қизи

Туйғулар

БУНЧАЛАР УЛУҒСАН, АЁЛ

АЁЛ НАҲОТКИ БАҒРИНГ ШУНЧАЛАР КЕНГ, ШУНЧАЛАР МАТОНАТЛИ ВА САБРЛИСАН. ТУХМАТЛАРГА ҚОЛДИНГ ЧИДАДИНГ, ГИЙБАТЛАРГА ҚОЛДИНГ ИНДАМАДИНГ, БАЗЪАН, ГУРБАТЛАРДАН БОШИНГ ЧИҚАДИ САБР ҚИЛДИНГ, ХИЁНАТ ҚИЛИБ БАҒРИНГНИ ТИМДАЛАДИЛАР, СЕЗДИРМАДИНГ, ДАРДИНГНИ ИЧИНГА ЮТДИНГ.

Неки оғир кун келса бу менинг пешонам, бу менинг тақдирим дединг. Соҳларинг оқарди, юзларинг ажинлар тушди ҳечам нолимадинг, синиққина жилмайдинг—гу бу тақдир азал, деб қўйдинг охиштагина.

Хайратдан, азоб-қубатлар қуршовидасан—у билдирмайсан, дўста ҳам, душман ҳам жилмайсан, индамайсан. Сирлисан. Ичинг тўла дарду-армон, аммо ҳадеб нолийвермайсан. Аёл, сен Оллоҳнинг суйган бандаси, кечирилмасан, беозорсан, муноси ва мушфисан. Ўзинг учун яшамайсан, оилам, болаларим дейсан, қачон ўзинг асраб-авайлайсан.

Бунчалар улуссан, бунчалар буюк, бунчалар дилбар ва лобарсан. Сен онасан, опасан, сингилсан, гўзаллик тимсоли ва садоқат рамзисан. Бахтсиз кунларидан шодлик топиб, армонларини бахт деб билиб яшаётган моҳитоб аёл.

Сенга таъзим, сенга шон-шараф...

Қамола ҲАМДАМОВА, талаба.

2008—Ёшлар йили

ПАРИЖДА ГРАН-ПРИ ОЛГАН НИЛУФАР

БЎЛАДИГАН БОЛА БОШИДАН ДЕЙДИЛАР. НИЛУФАР МУҲИДИНОВА БЕШ ЁШЛИГИДАЁҚ МУХТОР АШРАФИЙ НОМЛИ РЕСПУБЛИКА КЎРИК ТАНЛОВИДА ЭСТРАДА ҚЎШИҚЧИЛИГИ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ. 2002—2003 ЙИЛЛАРДА «САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ШАҲАР БОСҚИЧИДА ЗАҒФАР ҚУЧДИ. 2006 ЙИЛДА ЭСА РЕСПУБЛИКА «САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ» КЎРИК-ТАНЛОВИДА ГРАН-ПРИ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ. 2007 ЙИЛДА ЭСА ФРАНЦИЯНИНГ ПАРИЖ ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ГЛАЗУНОВ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ВИОЛОНЧЕЛИСТЛАР ВА СКРИПКАЧИЛАР ТАНЛОВИДА ХАМ ЎЗБЕКИСТОНДАН ИЛК БОРА НИЛУФАР ГРАН-ПРИ СОҲИБАСИ БЎЛДИ. 2007 ЙИЛНИНГ ЯКУНИДА «ТАСАННО» ТАҚДИМОТ МАРОСИМИДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН СЕРТИФИКАТ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.

Нилуфар эндигона 13 ёшини қаршилади. Ёш бўлишига қарамай ўз иқтидори ва истеъдоди билан нанки республикамизда балки чет мамлакатларда ҳам танилиб келмоқда. Нилуфар Муҳидинова санъаткорлар оиласида дунёга келди. Онаси Ангелина Ли «Настарин» гуруҳи раҳбари бўлса, даси Олим Муҳидинов 23-музика мактабини кўп йиллардан бўён бошқариб келмоқда.

— Менинг санъатга қизиқишим болагим билан чамбарчас боғлиқ,— дейди Нилуфар биз билан суҳбатда. — Чунки эсимни танибманки, уйимизда музика садолари янграйди. Музика, қўшиқ ва ракс менинг доимий севимли машғулоти. Ёш бўлсамда Туркия, Исроил, Жанубий Корея, Франция, Россия каби кўлаб мамлакатларда гастрол сафарларимда бўлдим. Қаерда бўлмай ўз она шахрим Тошкент мени бағрига қорлайверади. Ўзбекистон мадҳиясини эшитганим захоти шу жаннатмакон юрда туғилганимдан фахрлиман кетаман. Яқиндаги Президентимизнинг ўсиб келаётган ёш авлодининг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон музика маданиятини юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт—шароитларни яратиш ва шу асосда музика тўғрисидаги маданиятнинг ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги Фармонлари биз каби санъат йўлидан кетаётган ёш музикачиларни янада руҳлантириди. Юртбошимизнинг ғамқўрликларидан бошимиз кўкка етди. Мен насиб этса шу юртининг бир санъатсевар изланувчан фарзанди сифатида бор билим ва иқтидоримни музика

соҳасига бағишлайман. Келажакда ўз қуйларим билан жаҳон сахналарини забт этишни дилимга мақсад қилиб қўйганман. Албатта бу ишда ота-онам ва устозларим менга ҳамма ҳамоҳуд бўладилар.

Утган йилнинг апрель ойида Парижда бўлиб ўтган Халқаро виолончелистлар ва скрипкачилар танловида Россия, Франция, Молдавия, Сербия, Жанубий Корея ва бошқа жуда кўлаб мамлакатлардан тақлиф буюрган иқтидорли иштирокчилар билан беллашиб, илк бор Ўзбекистондан Нилуфар Муҳидинова Гран При соҳибаси бўлди. Танлов иштирокчилари ичидан энг ёши ҳам Нилуфар эди. Ушбу муваффақиятдан сўнг Ўзбекистондаги Россия элчихонаси томонидан Нилуфарга Санкт-Петербург шаҳрига таширфнома ва сертификат берилди.

У Россия шаҳарларини бирма-бир айланиб чиқди. 2007 йилнинг 13 декабрида устози Зайко билан А. Раҳимов раҳбарлигида Ўзбекистон Давлат консерваториясида давлат камер оркестри билан ўзининг яқнахон концертини мухлислар эътиборига ҳавола этди. Нилуфар Муҳидинованинг ёш бўлишига қарамай юксак қўшқиларни забт этаётгани фахрлидир. Унинг орзу, мақсадлари олам жаҳон. Биз иқтидорли ва истеъдодли скрипкачи, изланувчан ва интилувчан дирижёр, эстрада хонандаси Нилуфарга омадлар тилаш баробарида, шундай келажакда порлок, юксак истеъдодли ёш юлдузларимиз борлигини дахрланамиз. Умид қиламизки, яқин келажакда Нилуфарнинг исми жаҳон сахналарига баралла янграйди.

Гулчехра ДҮРДИЕВА
СУРАТДА: Нилуфар Муҳидинова.

«Қамолот»

РАНГ-БАРАНГ ТАДБИРЛАР

ЁШЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ИСТЕЪДОД ВА ИҚТИДОРЛАРИНИ ЮЗАГА ЧИҚАРИШГА КЎМАКЛАШИШ МАҚСАДИДА ИШ ОЛИБ БОРАЁТГАН «ҚАМОЛОТ» ЁИХ МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАН КЕНГАШИ ТОМОНИДАН КУНИ КЕЧА ЯНА БИР АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.

Маънавият тарғибот марказининг Мирзо Улуғбек туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда туман мактаблари ўқитувчи ва ўқувчилари фаол иштирок этишди. Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида «Қонунларимизни ўргана-миз» мавзuidaги учрашув нийҳатда қизиқарли, савол-жавобларга бой бўлди.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан асосий мақсади-миз ёшларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятларини тўла тушуниб етишларига эришиш, билиб-билмай ҳуқуқбузарлик, жиноятлар содир этилмаслигига қаратилган,— дейди биз билан суҳбатда «Қамолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши раиси Акмал Қосимхўжаев.— Мана яқинда Мирзо Улуғбек номидаги транспорт коллежидан «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловини, умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида эса «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзuida иншолат танловини ўтказдик. Ёки ёшларнинг соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари йўлида болалар спортини ривожлантиришга қаратилган футбол (қизлар ўртасида), баскетбол, гандбол каби мусобақаларни ўтказиб келмоқдамиз. Яқинда қамолотчиларнинг Чилонзор туман Кенгаши фаоллари билан футбол бўйича қизиқарли ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Ўқувчи-ёшларнинг маънавий-маърифий, сиёсий онгини ошириш йўлида мактабларда «Қамолот сари йўл» акцияси доирасида туман ИИБ, туман «Маҳалла» жағармиси ва Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими билан ҳамкорликда семинарлар ўтказилди. Шу кун мактаб ички рўйхатида турган, тарбияси оғир болалар ҳам анжуманга тақлиф этилиб, улар билан суҳбатлар ўтказилди, оилавий шарт-шароити, рўйхатда туриш сабаблари ўрганилди. Бугунги кунда ўзини тўғиб олган, қўшга вақтида келиб-кетаятган, фаолияти яхши томонга ўзгарган болаларни рўйхатдан чиқариш масаласи кенгаш муҳокамасига қўйилиб ҳал қилинди. Албатта бундай яхрирли ишлар ёшларга ўзларига нисбатан ишончини ошириб, келажакда яхши бир хунари эгаллаб ҳаётда тўғри йўлни танлашларига кўмаклашадди.

Бундай мисолларни яна кўлаб келтиришимиз мумкин. Бир сўз билан айтганда «Қамолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман Кенгаши томонидан олиб борилаётган ишлар кўлами Ёшлар йилида бундан ҳам кенгайди, янги-янги ташаббус ва роғлар эртаниб ворисларнинг жисмонан соғлом, маънан ва руҳан баркамол бўлиб вояга етишларига хизмат қилади.

Ширин МИРРАХИМОВА,
Азиза МУҲАМЕДОВА

МУЗЕЙЛАР ТАРИХИДАН СЎЗЛАЙДИ

ТАРИХНИ БИЛМАСДАН ТУРИБ КЕЛАЖАК ҲАҚИДА ЎЙЛАШ МУМКИН ЭМАС. ШУНДАЙ ЭКАН ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОД ОНГИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ҲУРМАТ, ВАТАНГА МУҲАББАТ ТҮЙҒУЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ХАМДА УЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ САВИЯСИНИ ЮКСАЛИШИДА ЎТМИШНИ ЯХШИ БИЛИШ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

Бу борада эса юртимизда фаолият кўрсатаётган музейларнинг ёшлар онгини шаклланишида, уларни юртимиз ўтмиши ва бугунги ҳақида хабардор қилишда ўрни бекиёс. Экспонатларга бойлиги жиҳатидан нафақат юртимизда, балки Марказий Осиёда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келаётган Ўзбекистон тарихи давлат музейига ҳар кун юзлаб ёшлар таширф буюради, Осиё ва Европадан Тошкентга келган сайёҳлар ҳам ушбу музейга кирмасдан кетмайди.

Бу масканда бўлган киши ватанимизнинг қадим тарихидан тортиб бугунги кунгача бўлган давр мобайнида содир бўлган воқеа, ҳодисаларнинг, бўк ўтмишнинг гувоҳи бўлади. 1992 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ бир неча музейларни бирлаштириш асосида қайта ташкил этилган бу масканда олиб борилган илмий изланишлар натижасида бой экспонатлар тўпланди. Хозирги кунда уларнинг умумий сонини юзга юз олтиш эйти мингдан ортиқ бўлиб, шундан олтиш мингдан зиёдини археологик, ўн олти мингдан кўпрогини эса этнографик ёдгўрликлар ташкил этади. Миллоддан олдинги икки минггини йилга тааллуқли безаклар, сопол идишлар, мамлакатимиз ҳудудидagi илк шаҳарлар, улардаги ҳаёт акс эттирилган ёдгўрликлар жамланган бебаҳо экспонатларни томоша қилган инсон ўлкамизнинг узок тарихи ва бугунги ҳақида кенг тасаввурга эга бўлади.

— Музейни айланиб чиқиб нафақат юртингиз балки, Марказий Осиё тарихи ҳақида жуда кўп маълумотга эга бўлдим,— деди германиялик талаба Мирослаф Круз.— Унинг экспонатларига бой эканлиги, қадимги одамлар ишлатган тош қуроллар, сопол идишлар ва қадимий, миллий кийимларни кўриб тарихий китобларда ўқиган воқеалар кўз олдимга келди. Музейда бўлганимдан жуда хурсандман ва юртимга бориб ушбу музейнинг бой экспонатлари ҳақида дўстларимга гапириб бераман.

Айни пайтда музей ҳодимлари ушбу экспонатлар ҳақида ҳикоя қилувчи илмий асарлар ва ўқув қўлланмалари тайёрлашмоқда. Шунингдек, Япониянинг қадимги Осиё музейи билан ҳамкорликда Ўзбекистон тарихи давлат музейи фондларида сақланаётган экспонатларнинг каталогини нашр қилиш ишлари якунланиш арафасида. Бундан ташқари, музей экспонатлари бир қатор халқаро кўргазмаларда ҳам намойиш этилаётди. 2007 йилда Жанубий Кореяда ўтказилган «Миллий либослар тарихи» кўргазмасида Ўзбекистон санъати кўргазмаси ҳам намойиш этилди. Айтиш жоизки, музейда доимий равишда турли мавзулардаги кўргазмалар ташкил этилади.

Халқимизнинг бой маданий ва маънавий меросини тиклаш, асраб-авайлаш ва тарғибот этиш ҳамда бу орқали мамлакатимиз аҳолиси, айниқса ёшларнинг онгини ўстириш, маънавий қамолатини таъминлаш, уларни аждодларимиз қолдирган бой тарихий, илмий, маданий мерос билан таништиришда музейларнинг аҳамияти муҳимлигига қолаверади. Юртимиз қадим тарихини, бугунини ёшлар нафақат китобларда ўқийди балки, мана шундай музейларда ҳам кўриб, ўрганиб, маънавий онгини шакллантириб бораверади.

Рустам ХАЙДАРОВ,
«Туркистон-пресс»



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР ҲИКОЯТ

Эшитдимки, бир ўғри чўлдан келиб,
Сейистонга кирди саёҳат қилиб.

Ўзига керакли емак-ичмакин,
Сотиб олди баққолдан у қанчасин.

Тарозудан баққол ўғирлаб эди,
Солиб шовқин, ул ўғри шундай деди:

«Агар тунда йўлни тўсар ўғрилар,
Сейистонлик кундуз кунни йўл тўсар.

Ёмон феъл учун тунда ҳам қўрқаман,
Бу кундуз кунни қўрқмаган кимсадан».

Кишиларки, душман сўзин келтирур,
Улар душманингдан ёмонроқ эрур.

Киши элтса дўстига душман сўзин,
Қилибдир у душманга чин дўст ўзин.

Туриб юзма-юз сўз дейилмайди ёв,
Мени сўз билан қўрқитолмайди ёв.

Ёв айтолмаган сўзин менга аён
Дегайсан, шунинг-чун сен ундан ёмон.

Чакимчи яна эски кек кўзгатар,
Ювошган кўнгилни ғазаблантирар.

Сен унга яқинлашма мумкин қадар —
Ки, ўлган илон бошини кўзгатар.

У зиндон аро гар кишанда ётир,
Чақиб юрганидан шу ҳам яхшидир.

Уруш — икки тан ўртасида олов,
Чакимчи ўтин ташигувчи мохов.

Эрур ҳаммадан ҳам чакимчи ёмон,
Унингдек разил кўрмадим ҳеч қачон.
Бузуқ фикру нодонлиги бирлан ул,
Бузар икки дўст ўртасини нукул.

Булар дўстлашулар бўлиб жону дил,
Уятга қолур ўртада ул разил.

Икки тан аро кимки ўтлар ёқар,
Ақлдан эмас бу, ўзи ҳам ёнар.

Бу Саъдийча хилватда ким завқ олур,
Тилин икки оламдан ул тортадур.

Хотин бўлса гар поку ақли расо,
Эрин шох этар гарчи бўлса гадо.

Кўнгилга мувофиқ эса ёр агар,
Зафар созини чалки, тоқдинг зафар.

Агар ғамгусор эрса ёр тун бўйи,
У ғамни дема ғам, есанг кун бўйи.

Агар бўлса ёринг иноку гўзал,
Муродинга етдинг — муродинг ўшал.

У бўлса ширинсўзли-ю покдил,
Уни ё хунук, ё гўзал демагил.

Дили пок хотин агарчи хунук,
Ёмон хулқли хушнамодан тузуқ.

Эри сирка берса, у ҳалво дегай,
На ҳалво ебон эрга аччиқлагай.

Дил оромидир яхши бўлса хотин,
Ёмон бўлса, ундан Худо сакласин!

Эса тўти бир зог билан ҳамқафас,
Қафасдан қочиш истагай ҳар нафас.

Бошингни олиб кетгил оворавор
Ва ё бўйнинг эл унга бечоравор.

Ковуш тор эса, киймаган яхшидир,
Уруш бўлса уй, турмаган яхшидир.

Ёмон хотини бўлса уйда агар,
Хайитдек бўлур ул кишига сафар.

Ул уй ичра ёп шодлик эшигин,
Уруш бирла шовқин чикарса хотин.

Хотин бўлса нодону ҳам кирюррак,
Хотинмас, бошинга балодан дарак.

Хотиннинг ёмони оғир бир азоб,
Хотин яхшиси ёру олижаноб.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек туманидаги 286-мактаб
томонидан 2003 йилда Миржалилова Гузал Миржалиловна
номига берилган O'R-ANe 1425417 рақамли ўрта маълумот
тўғрисидаги шахсдоннома йўқолганиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ



ТОШКЕНТ — ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ!

**МАЛАЙЗИЯНИНГ КУАЛА-ЛУМПУР ШАҲРИДА
ЖОЙЛАШГАН ОСИЁ ФУТБОЛ
КОНФЕДЕРАЦИЯСИ (ОФК) ЮРТИМИЗДА ҲАР
ҚАНДАЙ ЙИРИК ТАДБИРЛАР ЮҚОРИ САВИЯДА
ЎТКАЗИЛИШИ, ЖУМЛАДАН, СПОРТ
МУСОБАҚАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҲАМ
ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ТАЖРИБАСИ
ҚАТТАЛИГИНИ ИНОБАТГА ОЛИБ, ФУТБОЛ
БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДАГИ ҚИТЪА
ЧЕМПИОНАТИНИНГ ФИНАЛ ҚИСМИГА
МЕЗБОНИЛК ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ
ЎЗБЕКИСТОНГА ТОПШИРДИ.**

Жорий йилнинг 4-19 октябрь кунлари бўладиган бел-
лашуларга пойтахтимиздаги "МХСК" ва "Жар" спорт мак-
муи стадионлари мезбонлик қилади.

Осиё футбол конфедерацияси Ўзбекистонга қитъа че-
мпionatoининг финал қисмини ўтказишни иккинчи марота-
ба ишониб топширмакда. Бундан икки йил муқаддам, яъни
2006 йилда Тошкент шаҳридаги "Ўзбекистон" спорт мак-
муида ўтказилган футбол бўйича Осиё чемпионатида
юқори савияда ташкил этилгани халқаро ташкилот мута-
саддларида яхши таассурот қолдирганди.

Ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ўн олтинчи мам-
лакат вакиллари қатнашиши кутилмоқда. Ҳозирча, ўн ик-
кита терма жамоа — Ўзбекистон, Ҳиндистон, Сурия, Яман,
Эрон, Бахрайн, Хитой, Сингапур, Япония, Индонезия, Ав-
стралия ва Жанубий Корея футболчилари чемпионатда
иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритган.

Шу ўринда, 1992 йилда тузилган футболчилардан тар-
киб толган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси бўлажак
Осиё чемпионатидаги саралаш босқичида муваффақиятли
иштирок этганини таъкидлаш лозим. Таниқли мутахассис
Роберт Гай шогирдлари ўтган йилнинг октябрь ойида Бир-
лашган Араб Амириликларида ўтказилган саралаш турни-
рида гуруҳда биринчи ўринни эгаллади. Мусобақанинг
биринчи ўрашувида ёш футболчиларимиз меҳмонлар бил-
ан 2:2 дуранг ўйнаб, кейинги беллашуларда кетма-кет
Туркменистонни 4:1, Тожикистон ва Бангладешни бир хил
— 3:2, Фаластинни 6:1 ҳисобида мағлубиятга учратди ва
Осиё чемпионати йўлнамасини кўлга киритди.

Ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати ҳар икки йилда
бир марта ўтказилади. Тошкент шаҳрида бўладиган мусо-
бақаларга қўрға ташлаш маросими 1 апрелда ўтказилади.
Бўлажак чемпионатда дастлабки тўртта ўринни эгаллаган
терма жамоалари 2009 йили 17 ёшгача бўлган ўсмирлар
ўртасида ўтказиладиган жаҳон чемпионатидаги финал бо-
сқичига йўллама олади.

«ҚУРУВЧИ»: МАШҒУЛОТЛАР АВЖИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ «ҚУРУВЧИ» ЖАМОАСИ 2008 ЙИЛГИ МАВСУМГА ҚИЗГИН ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА. МИРЖАЛО ҚОСИМОВ БОШ МУРАББИЙЛИК ҚИЛАЁТГАН ЖАМОА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ ВА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТЛАРИГА БЕЛЛАШУВЛАРИГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ МАҚСАДИДА БИРИНЧИ ХОРИЖИЙ ЎҚУВ-МАШҒУЛОТ ЙИГИНИНИ УКРАИНАНИНГ АЛУШТА ШАҲРИДА ЎТКАЗМОҚДА.

«Қурувчи» футболчилари йилнинг давомида учинчи ўртоқ-
лик учрашувида майдонга тушди. Бу гал ҳамюртларимиз
Украина чемпионатидаги биринчи дивизиони вакили —
«Десна» жамоасига қарши тўп сурди.

Уйин ўзбекистонлик чарм тўп усталари устунлигида ўтди.
Шундай бўлса-да, жамоанинг ҳужум чизигида йўнаган

Катралап

КЎРҚОҚ ДЎСТ

У бир рийдорнинг қуруқ пўписаси-
дан чўчиб, ишончли дўстини сотди.
Кўрқоқ дўст ёвуз душмандан ёмон,
деган нақлни яна бир бор тасдиқла-
ди.

ЗАМИН

Уруғ харсангтош ёруғидаги жиндек-
кина туپроқда қилдек илдизчалар от-
гач ўзиде йўқ шод: — Пастда қолган
тенгқурларим мени кўриб вуй шун-
док тошни ёриб чиқиб қўярапти-я,
зўр экан, дейишадиган бўлди, — деди
ўзича.

— Ўзингни баландроқдан кўз-кўз
қилмоқчи бўлиб, қайтанга масҳара

— Сутдан қаерим кам, мен ҳам оп-

бўладиган бўлдинг, — деди Харсанг
унга ачинаб, — Ерда бўлганимда яй-
раб ўсардинг.

Харсанг ўйлаганидек нозик илдиз-
чалар игнадек ўсгач совуқ тошга те-
ди. Минг бор интилмасин бурлиб-бу-
ралиб толди. Пастдаги кенгликларда
панжааб кўм-кўк ўсаётган тенгқурла-
рига сарғайиб афсус билан бокди.

Ким Она заминдан воз кечса шун-
докдир.

АЙРОН

Сут билан айрон сотувда ёнма-ён
туриб қолишди. Айрон сутга қараган-
да нархи пастлигини билиб қолиб ич-
кидан алам қилади.

— Сутдан қаерим кам, мен ҳам оп-

МУНАЖЖИМ БАШОРАТИ

24 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

Бугун ҳокимият билан боғлиқ ишларда, никоҳда, берилган ваъдаларни бажаришда,
янги лавозим бўйича ишни бошлашда омад ёр бўлиши кутилади. Шу кунни ҳар қандай
мағлубиятнинг ҳам қўлолмайсиз, ҳатто шахсий муносабатларингиз ҳам сизнинг нуктаи
назарингизга қўшилиш-қўшилмаслиққа боғлиқ бўлади.

Майда-чуйдаларга диққат қилверилишигиз сизни ўзгалар ишини поёнига етказишга мажбур
этиши мумкин. Асабийлиққа берилиш хавфи бўлиб, саломатлигингизга путур етати.
Ошқозон-ичак йўллари касаллиқларга мойил бўлиб, шахсий гигиена ва таомлар
сифатига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Қорин бўшлиғидаги жарроҳлик
операциялари матлуб эмас — улар ёмон асорат қолдириши мумкин. Жигар ва қон
ҳосил қилувчи аъзоларни тозаловчи муолажалар самарали бўлади.

Тушларингиз сизга паноҳлик қилувчи ҳомиёларнинг кўмаги ҳақида хабар беради.
Уларнинг ўнгидан келиши кўп куттирмайди.

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

МЕҲНАТСЕВАРЛИК — ҒАЛАБАЛАР ОМИДИ

**25-ЁРДАМЧИ МАКТАБНИНГ 1-СИНФ ЎҚУВЧИСИ АЗИЗ СОБИРОВ СПОРТ
ГИМНАСТИКАСИГА ЭНДИГИНА ИЛК ҚАДАМЛАРИНИ ТАШЛАЁТГАН БЎЛСА-ДА,
МУРАББИЙ КОНСТАНТИН АЛЛЕКОНИНГ АЙТИШИЧА, АЗИЗДАН КЕЛГУСИДА ЯХШИ
СПОРТЧИ ЧИҚИШИ МУМКИН.**

— Шогирдим ёш бўлса-да, бир қанча мурак-
каб усуллари яхши ўзлаштирган, энг муҳими
меҳнатсевар, ўзига нисбатан талабчан ва қий-
инчиликлардан қўчимаиди, — дейди Константин
Аполлонович. — Шу йилнинг ёзида Тошкентда
болалар ўртасида «Спешнел олимпикс» мусоба-
қалари ташкил этилади ва А.Собировни ушбу
турнирда синовдан ўтказмоқчиман.

Ёш гимнастнинг ўзи қатнашаётган Тошкент
Давлат жисмоний тарбия институти қошидаги

гимнастика ва акробатикага ихтисослашган
спорт мактабидаги машғулотларда зўр қизиқиш
ва масъулият билан маҳоратини ошириб бо-
раётганини кўриб биз ҳам Азизга келгуси му-
собақаларда омадлар тиладик.

(Ўз мухбиримиз)

**СУРАТДА: иқтидорли мураббий Констан-
тин Аллеко Азиз Собировга катта спорт сир-
ларидан сабоқ бермоқда.**

Алексей Попов олган сурат

23 январь — Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этилган кун

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ФАРМОНИГА
КЎРА, 1997 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ
АКАДЕМИЯСИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ МИЛЛИЙ
ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ РИВОЖИГА УЛКАН
ҲИССА ҚўШГАН ТАРИХИЙ ВОҚЕА БЎЛДИ.**

Бадий Академия ўзбек халқининг бой маданий ме-
роси асосида миллий таъсир, амалий, анъанавий
ҳамда дизайн санъати ривожланиши йўлида фаолият
юртмоқда. Ивланишлар самараси ўларок, бугун му-
стақил Ўзбекистон маданияти ва санъати, ўзининг бой
анъаналари, илгор ижодий йўналишларини уйғунлаш-
тирган ҳолда замонавий жаҳон бадий жараёнининг
фаол иштирокчисига айланди.

Сўнгги йилларда ўзбек таъсирий санъати жадал
суръатларда ривожланмоқда. Рассомларнинг халқа-
ро танловлардаги иштироки, ёш ижодкорларнинг юқори
совринларга сазовор бўлишлари ҳақли равишда фах-
рланиш туйғусини уйғотди. Жаҳоннинг кўплаб мам-
лакатларида Ўзбекистон таъсирий ва амалий санъа-
тига катта қизиқиш билан қараётгани ҳам ижодкор-
ларга яратиб берилаётган шарт-шароит самараси-
дир.

ЮКСАК ИШОНЧ ВА ЭЪТИРОФ САМАРАСИ

Ўзбекистон қадимдан олиму фозиллар, шоиру ёзув-
чилар, дунё тан олган рассомлар ватани сифатида
эътироф этилади. Биргина мисол қилиб, Ғарбда «Шарқ
Рафаэли» дея ном олган, ўз мактабини яратган, буюк
муассавир Камолитдин Беҳзод ижодини кўрсатиш мум-
кин.

— Давлатимиз мустақилликка эришгач, дастлабки
кунлардан бошлаб мамлакатимизда санъат турлари-
ни ривожлантириш ва ижодкорларни жаҳонга тани-
тиш борасида муайян ишлар амалга оширилди, —
деди Ўзбекистон Бадий Академияси раиси Турсуна-
ли Кўзиев. — Бадий Академиянинг ташкил этилиши
ана шулар жумласидандир. Миллий бойлигимиз ва
умуминсоний қадриятлар гавҳарлари ҳисобланган
кўплаб кўҳна маданият масканлари таъмирланди ва
янгилари барпо этилди. Бу ҳаракатларнинг барчаси
ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол шахс
бўлиб етиштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод тарбия-
сига эътибор билан бир қаторда санъат фидойилари
хизматлари ҳам муносиб тақдирланмоқда. Жумладан,
Бадий Академия фаолиятини ривожлантираётган
ижодкорларнинг тўққизтасига «Ўзбекистон Респуб-
ликаси санъат арбоби», ўн бештасига Ўзбекистон Халқ
рассоми, юздан зиёд санъат фидойиларига «Ўзбеки-
стон Халқ устаси», «Хизмат кўрсатган маданият ходи-
ми», «Республика ёшлар мураббийси» каби унвонлар
ҳамда «Буюк хизматлари учун», «Эл-юрт ҳурмати»,
«Меҳнат шухрати», «Дўстлик» орденлари берилди.

Т. Кўзиевнинг таъкидлашича, янги бадий изла-
нишлар ва тажрибага йўналтирилган «Azia-art», Тош-
кент Бизналеси каби йирик халқаро кўргазмалар-
нинг ўтказилиши бугунги кунда жаҳон аҳли Ўзбекис-
тонни нафақат қадимий маданият мамлакатаи, балки
истеъдодли замонавий рассомлар ватани сифатида
ҳам танилишида ўз хиссасини қўшмоқда.

Бир сўз билан айтганда, буларнинг барчаси Ўзе-
кистон Бадий Академияси фаолиятига кўрсатилган
юксак ишонч ва эътиборнинг ўзига хос ифодасидир.

Рахшона ТОШПҲАТОВА,

«Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«RAVNAQ-OMAD-BIZNES» хусусий корхонаси масъули-
яти чекланган жамиятига айлантирилади. Шу билан бир-
га хусусий корхонанинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.
Давоғарлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой да-
вомида Собир Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси, 314-
уй манзили бўйича қабул қилинади.

**Ҳўжалик юритувчи субъектлар
раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!**
Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи
Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комис-
сияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан
ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5
октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини тек-
ширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллашти-
риш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари асосида
комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан ибор-
рат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.
Сизнинг корхонангизда турли нозорат органлари томонидан
ўтказиладиган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалан-
сангиз комиссиянинг илгчи органига қуйидаги телефонлар орқа-
ли мурожаат қилишингизни сўраймиз.
Ҳудудий комиссиянинг илгчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

**Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3960 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрига таъкиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомини»нинг компьютер
марказида терилди ва сақланади.

«Шарқ» нашрий-матбос акциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

2 3 4 5 6

Топширилган вақти: 13:30